Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori i... DOI: 10.5281/zenodo.24317890

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УНИНГ ХУДУДЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ.

И.ф.д. **А.А.Хаитов** .,Ал.А.Хаитов.

Ўзбекистон халки “Учинчи ренессанс“ шаклланиши асосида “Янги Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиш, бўлажак жамият асосларини барпо этиш йўлида дадил харакатларини амалга оширмоқда.”Янги Ўзбекистон, - Ш. М. Мирзиёев талқинида, бу – демократик, инсон хуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган холда, жахон хамжамияти билан дўстона хамкорлик тамойиллари асосида ривожланадигон, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон хаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”[1]

Бундай юқори даражадаги жамиятни барпо этиш унинг мукаммал асосларини яратишга боғликдир. Ш. М. Мирзиёев ўзининг чиқишларида бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, Ўзбекистон халқи хам бунга монанд анча илғор, мустахкам ва келажакка ишонч билан харакат қилаётганлигини эътироф этмоқда. Хар қандай жамият иқтисодий жихатдан асосланган дагина ўз тарифига эга бўлади. Шу боис мамлакатимизда янги Ўзбекистон иқтисодиётини барпо қилиш учун моддий, маънавий, сиёсий ва мехнат ресурслари мавжуд.

Хар қандай иқтисодиёт турли ўзаро жараёнлар, алоқалар ва муносабатлардан иборат субъектлардир. Мазкур субъектлар тизимчаларни ташкил этиб, иқтисодиётни характери, табиати, мохияти ва шаклини белгилайди. Ўзбекистон иқтисодиёти айнан турли тизимчалардан ташкил топаётган аралаш иқтисодиётдир. Бунда давлат йўналишидаги унитар корхоналар, бозор тамойилларига асосланган тадбиркорларнинг хусусий, оилавий, жамоа хамда хориж мамлакатларидаги тадбиркорлар билан ташкил топган қўшма корхоналар бўлган тизимчалар ўзаро муносабатдадирлар. Жамият иқтисодиёти келажаги муайян тизимчалардан фаолияти юқори салмоққа эга бўлган тизимчаларнинг йўналиши, мавқеи хамда аралаш иқтисодиётдаги таъсири асосида аралаш иқтисодиёт келажаги шаклланади.

Ўзбекистонда давлат барча сохаларда бош ислохотчи, ташаббускори тарзида янги Ўзбекистон жамиятини барпо қилиш борасида хуқуқий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий қонун – қоидаларни ишлаб чиқиб хаётга татбиқ этмоқда. Юқоридагиларга асосланган холда жамият иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиб, ижтимоий хаётни бошқармоқда. Янги Ўзбекистон

Published: 24.05.2025

Cite this article: А.А.Хаитов, Ал.А.Хаитов (2025). Янги Ўзбекистон ва унинг худудларида ишлаб чиқариш омилларининг айрим муаммолари. Emro Science and Education, 2(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317890

© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

иқтисодиётининг моддий омиллари олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга боғликдир. Маълумки Ўзбекистон иқтисодиётида қуйидаги жараёнлар амалга оширилмоқда:

1. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш асосида ракобатбардош янги тармоқларни шакллантириш:
2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш негизида тадбиркорликни самарали йўналишларини барпо қилиш;
3. Аграр сохада монополияни хукмронлигини тугатиб, хар бир гектар майдондан самарали натижага эришиш ва хоказо.

Биз мақоламиз мақсади ва хажмини хамда йўналишини эътиборга олиб юқоридаги муаммоларни айримларини ўрганамиз.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиниши негизида мамлакатда эски тармоқлар, қайсики, самарадорлиги паст даражадаги, хамда истиқболи йўк сохалар ўрнига янги истиқболли тармоқлар вужудга келди ва яна янгилари ташкил қилинмоқда. Жумладан, электротехника, заргарлик, автомобилсозлик, пиллачилик, мисни қазиб олиб қайта ишлаб ундан пировард тайёр махсулот олинмоқда. Гузор районида GTL, Тошкентда темир ишлаб чиқариш корхонаси, Олмаликда мисни қайта ишлаш бирлашмасининг кейинги босқичлари ишга қўйилди. Уларда замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқариш воситалари қўлланилмоқда. Бу ўз навбатида бу сохалардаги мехнат жараёнида фаолият юрита оладиган мутахассисларни тақоза этади.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини барпо этиш энг аввало, мазкур жамият мақсади уни лойихасини, унинг моддий ва шахсий омилларидан иборат асосларини холати, тараққиёт масалаларидан иборат муаммоларини хал этишни тақозо этади.

Маълумки Ўзбекистон халқи яқин келажакда дунёнинг энг ривожланаётган, моддий жихатдан шаклланаётган 50 давлатлари қаторидан ўрин олиб, 2030 йилда хар бир Ўзбекистон ахолиси учун муносиб хаёт тарзига эришишни мақсад қилган. Бу масалани амалга ошириш учун асосларни ўрганамиз.

Ўзбекистон Республикаси ахолиси яқин келажакда 41 миллион кишига етиши эътиборга олинган. Бугун яъни 2025 йил апрел ойида 37.7 миллион ахоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи ёшлар бўлиб, давлатнинг мухим потенциалидир. Буларни таълим – тарбияси, илмий салохияти ва касб хунар йўналишида “илмга инвестиция” хар томонлама эътиборда бўлиб, олий таълим, ўрта махсус билимгохлар, мактаб ва мактабгача шахобчаларда халқаро

мезонлар йўналишларда ижобий ишлар юритилмоқда, йилдан йилга олий таълимдаги талаба сони ортиб бориб, хозирда улар қамрови битирувчиларнинг 38% ташкил этади. Республикадаги фаолият юритаётган 220 дан ортиқ таълим институт ва университетларида 1.5 миллионга яқин талаба тахсил олмоқда. Муаммолар хам ўзларини намоён этиб, бир қатор масалаларни ечимини талаб қилмоқда. Бу сохада Республикадаги тайёрланаётган мутахасисликлар афсуски халк хўжалигини талабларидан фарқ қилиб, аввало, улар бугунги иқтисодиётни диверсификация асосида янги тармоқ ва йўналишлар шаклланишининг талабларидан ортда қолмоқда, айниқса сунъий интелект, ракамлаштириш масалаларини макроиқтисодиётдаги талабларидан ташқари хозирги шароитда бўй чўзаётган, электротехника, туризм, ишлаб чиқариш ва ижтимойи инфраструктурани эхтиёжлари ўз сохасини мутахасислари билан таъминланмаяпти. Сунъий интелект ва рақамлаштириш асосан банк, молия, соғлиқни сақлаш сохаларида жадал қўлланилаётган бўлсада, халқ хўжалигиниг бошқа тармоқларида бугунги давр талабидан ўта паст даражададир. Техника фанлари сохаларида хам қадр тайёрлашда бир қатор муаммолар мавжуд эди. Бунинг учун Республикадаги 20 та олий даргохлар ресурслари асосида янги бошқарув тизими билан улар талабга мувофиқ бирлаштирилиб, ўқув – методик, илмий – потенциаллар, моддий ахборот ресурслари бойитилиб, эхтиёжларни эътиборга олиниб, янги мутахасислар тайёрлаш учун замин яратилмоқда. Маълумки шахсий омил малакаси, иқтидори, салохияти ва самарадорлиги бугунги кунда ўта эътиборлидир. Америка қўшма штатларидаги бир ишчи ходим ўзининг иш малакаси ва самарадорлиги билан Европадаги ўз хамкасбига нисбатан 3 карра юқори даражада Ўзбекистонда мазкур мутахасис Европадаги ўз хамкасбига нисбатан 3-4 карра юқоридаги кўрсатқичдан паст даражада. Бу ўз навбатида Олий таълим, махсус ўрта ўқув юртлари мутасаддилари олдига мазкур муаммоларни хал этишни зарур қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон очиқлик иқтисодий сиёсат йўналишида хорижий кредитор ташкилотлар билан хамкорликда бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этмокда. Жумладан Олмалиқ мис ишлаб чиқариш субъектини биринчи ва иккинчи ишлаб чиқаришини юритиш учун 5.2 миллиард АҚШ доллари билан дунёнинг энг йирик хамкорлар маблағларини жалб қилган бўлса, Қашқадарёнинг GTL корхонаси учун 4.2 миллиард АҚШ долларини хорижлик ташкилотлар маблағлари билан ишга туширди. Саудия Арабистонинг “Аква Повер”, Бирлашган Араб Амирликларининг “Масдар” каби компаниялари билан яшил энергия йўналишида қуёш ва шамол хамда иссиқлик энергетика

шахобчаларини бунёд этмоқда. Хитой Халқ Республикаси, Россия федерацияси каби мамлакатлар тадбиркорлари билан биргаликда кичик гидроэлектр ва атом электр станцияларини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Хозирги иқтисодий сиёсатда хорижий инвестициялар хисобига иқтисодиётнинг барча сохаларида лойихалар амалга оширилиши йўлида 2025 йилда 42 миллиард АҚШ долларлик инвестиция жорий қилинаётган бўлса, 2030 йилга қадар хорижий инвестициялар хажми 120 миллиард АҚШ долларида прогнозлаштирилди.

Юқоридаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда ўз ечимини топмаётган муаммолар хам мавжуд. Айниқса мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қайсики, ислохотларни энг асосий масаласида йилдан – йилга амалга ошмаётган масалаларни хал этиш бугунги даврнинг долзарб иши бўлиб қолмоқда. Мамлакат миқёсида 2000 дан зиёд объектлар худудларда жумладан Андижон вилоятида 360 та давлат объектлари ўз ечимини кутмоқда. Мамлакат Президенти 2025 йил 15 апрелдаги Андижон активи йиғилишида ушбу масалани ахамияти хақида тўхталиб вилоятдаги 92 та корхона бир неча йиллардан бери тадбиркорларга берилмаётганини сўзлаб, эндиликда бу объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўлида агар бу ўз ечимини топмаса, бу корхоналарни тадбиркорларга 5 йил муддатга ижарага бериш хамда тадбиркор истагига монанд уни сотиб оладиган бўлса, объект қийматини бўлиб - бўлиб тўлаш каби вариантини кўрсатиб берди.

Бозор иқтисодиётининг шаклланишининг асосий фундаменти бўлмиш бу каби мулкни давлат тасарруфидан чиқариб ва хусусийлаштириб норентабел, самарасиз хатто зарар келтираётган айникса фаолият юритмасдан хароб бўлиб бораётган мулк объектларини хақиқий иш юритувчиси бўлмиш тадбиркорларга бериш мухимдир. Бугунги кунда яъни 2024 йил якунларини ўрганганимизда Андижон вилоятида 1642 та кичик тадбиркорлар турли сабаблар айниқса ёшлар ўз фаолиятларини тўхтатдилар, сабаларини тахлил қилганимизда уларга тўсиқ бўлаётган омиллар ичида ўз ишлаб чиқариш объектига эга бўлмасдан, ижара хаққини ошиб бориши каби холатларни хам учратдик. Бу холатлар ахоли зичлиги жихатдан юқори даражадаги вилоят учун иш ўринларини яратиш мухимлигини эътибори билан ушбу объектларда янги йўналишда иш ўринларини яратиш ўз вазифасини кутмоқда.

Бу йўналишда жахон тажрибасидан маълумки ахоли зич регионларда иш кучидан фойдаланиш учун шундай иш ўринлари даркорки бунга мувофик саноат корхоналарида катта хажмдаги иш кучи мехнати сарфланадиган тугалланадиган

қўшимча қиймати яратувчи сохаларни шакллантириш лозим. Катта капитал маблағ талаб қиладиган корхоналарда унга мос иш кучи талаб қилинади. Мазкур йўналишда бугунги жахоннинг Америка қўшма штатлари (АҚШ), Хитой Халқ Республикаси (ХХР), Россия Федерацияси (РФ), Канада, Исроил, каби давлатларда сунъий интелект борасида анча муваффақиятли ишлар олиб борилмоқда. Тажриба кўрсатмоқдаки сунъий интелект халқ хўжалигининг барча тармоқларига тезлик билан кириб келмоқда.

Албатта бу сохада фаолият юритиш оддий холат бўлмай, балки моддий воситалар билан бир қаторда мутахассислар тайёрлаш лозим. Шунинг учун фарғона водийсининг олий таълим муассасаларида бу соха мутахасисларини тайёрлаш учун факультетлар ва улар негизида мазкур ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни бошлаш лозим. Бизнингча ушбу йўналиши фарғона водийсидаги муаммоларни ижобий хал қилишда мухим омил бўлади деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газета бош мухарририга берган интервьюси; 2025 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатномаси. Т., 29 декабр 2020 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2024 й 20 декабрда мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашуви. 2024 й 21 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси. Т; 2023 й.

SANOAT KORXONALARIDA ISHLAB CHIQARISH INVESTISIYALARIDAN SAMARALI FOYDALANISH

Qorabayev Shuhratjon Axmadjonovich
Namangan davlat texnika universiteti
Menejment kafedrasi katta o‘qituvchisi,
ye-mail: koraboyev@mail.ru Tyel: +998982712989

Annotatsiya: Ushbu maqolada sanoat korxonalarida investisiyalarining mohiyati, turlari va ulardan samarali foydalanish masalalari bayon qilingan. Muallif investitsiya tushunchasiga oid turli nazariy qarashlarni chuqur o‘rganib, ularning